ва узлуксиз ташкил этиш муҳимлилиги ёритилган. Бу хил ёндашув натижасида адабий таълимда ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга қўйилган талаблар келтирилган ва улар адабиёт дарслари таҳлили билан далилланган.

**РЕЗЮМЕ**

В настоящей статье освещены место таких наук как педагогика, психология, литература в развитии интеллектуальных способностей учащихся, значение формирования у учащихся умственно-интеллектуальных способностей посредством уроков литературы, организация в этом процессе последовательного и непрерывного литературного обучения. В результате такого подхода приведены требования предъявляемые к способности развития у учащихся интеллектуальных способностей и подтверждено анализом литературных уроков.

**SUMMARY**

The place of the such sciences as pedagogics, psychology, literature in pupils' intellectual abilities development, importance of pupils mentally-intellectual abilities forming by means of lessons of literature, organization of consecutive and continuous literary teaching in this process are elucidated in this article. As the result of this approach the requirements towards development abilities of pupils' intellectual abilities are given and confirmed by analysis of literary lessons.

# ФИЗИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАСОФАВИЙ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА ВЕБИНАР ЎТКАЗИШНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

**А.Ибраймов** *–мустақил тадқиқотчи*
*Тошкент давлат педагогика университети*

**Таянч сўзлар:** масофавий малака ошириш, физика, вебинар, вебинарнинг асосий имкониятлари, ташкил этиш босқичлари, амалиётга жорий этилиши.

**Ключевые слова:** дистанционные курсы повышения квалификации, физика, вебинар, основные возможности вебинаров, этапы организации, внедрение в практику.

**Key words:** distance training courses of impoving qualification, physics, webinar, webinar's basic possibilities, stages of organization, implementation in practice.

Ҳозирги кунда масофавий малака ошириш жараёнини замон талаблари асосида такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш учун ўқитишнинг инновацион усулларидан, яъни интернет орқали масофавий малака оширишда веб-технологиялардан кенгроқ фойдаланиш зарурияти туғилмоқда. Шундай технологиялардан бири вебинар ҳисобланади.

**Вебинар** – махсус дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда интернет орқали тингловчилар билан интерфаол ўқув машғулотларини ўтказиш шаклидир. Вебинар термини инглизча "webinar" сўзидан олинган бўлиб, тармоқ орқали семинар маъносини билдиради [1:3].

Бунда ўқитувчи ва тингловчи бир биридан маълум бир узоқликда жойлашган ҳолда интернетга уланган компьютер орқали ўқитиш, ўрганиш бўйича биргаликда фаолият юритади. Вебинарда тингловчилар ва ўқитувчи турли хил давлат, шаҳар, туманларда жойлашганлигига қарамай нафақат бир бирини кўради, эшитади, бир бири билан савол жавоб қилиши, ёзма равишда мурожаат қилиши мумкин.

Ўқитувчи вебинар орқали машғулот ўтказиш вақтида матнли ҳужжатлар, турли хил мультимедияли воситалар асосида тақдимот қилиши ва унинг виртуал доскасига семинар мавзусига оид турли хил ёзувлар ёзиш ва расмлар чизиб кўрсата олиши яъни анъанавий шаклда электрон доскада иш юритгандек фаолият олиб бориши мумкин.

Вебинарнинг пайдо бўлиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 1980 йиллар охирида биринчи матнларни ёзиш орқали маълумотлар алмашиш тизимлари яратилган (масалан, Internet Relay Chat). 1990 йилларда янада такомиллаштирилган веб-чатлар, бир вақтда кўпчилик билан матнли ёзувлар алмашиш дастурлари яратилган. Кейинчалик эса бу тажрибалар асосида интернет орқали амалга ошириладиган турли хил видео алоқа воситалари ва вебинар (webinar) ўтказиш дастурлари ишлаб чиқила бошлади.

"webinar" терминли савдо белгиси АҚШдаги бир нечта IT-компаниялари асосчиси Эрик Р.Корб (Eric.R.Korb) томонидан 1998 йили руйхатдан ўтказилган, лекин ҳозирги кунда мазкур термин InterCall компаниясига тегишли. Вебинарларни ташкил этувчи дастурий таъминот нафақат тармоқ орқали семинарлар, балки маъруза ўтказиш имконини ҳам беради [2:2].

Вебинар иштирокчиларининг сони бир нечта одамдан бир нечта минг иштирокчигача бўлиши мумкин. Иштирокчилар сони дастурий таъминот имкониятларига ҳамда вебинардан руйхатдан ўтиш шартларига ҳам боғлиқдир. Бугунги кунда ўтказилган вебинарлардан иштирокчиларининг сони энг кўп бўлган онлайн бизнес-семинарда иштирокчилар сони 12012 нафарни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич жаҳон рекорди сифатида эътироф этилган ва Геннисс рекордлар китобига киритилган.

Вебинарни ташкил этиш учун қуйидаги асосий учта босқичга эътибор қаратиш лозим [2:5].

1) Техник таъминот, 2) Вебинарни ўтказиш учун тайёргарлик,

3. Вебинарни ўтказиш

**Техник таъминот** - вебинарни сифатли ўтказиш учун ўқитувчи ва тингловчиларда қуйидаги техник таъминот бўлиши зарур.

1) Микрофон, 2) Наушник, 3) Веб-камера, 4) Компьютер, 5) Камида 2

Мбит/сек тезликка эга бўлган интернет.

**Вебинарни ўтказиш учун тайёргарлик** - вебинарни ўтказиш ўқитувчидан юқори даражадаги тайёргарликни, шунингдек, "педагогик, психологик, эргономик ва бошқа нуқтаи назардан пухта ва обдон ўйланган ишланмалар ишлаб чиқишни" талаб этади. Биз бу тайёргарликнинг асосийси ҳисобланган техник ва педагогик таркибини ажратамиз.

Вебинардан аввалги техник тайёргарлик - алоқа каналларини, овоз ва видео сифатини, дастурий маҳсулотнинг барча асбоб-ускуналари ишлашини текширишга қаратилган. Техник тайёргарликнинг вазифаси вебинар давомида ўрганиш сифатини пасайишига ва тингловчиларда хизмат кўрсатишга бўлган салбий муносабат шаклланишига олиб келувчи муаммоларга йўл қўймаслик.

Вебинарнинг педагогик тайёргарлиги – унинг мақсад ва вазифаларини белгилашдан иборат. Бу – «таълимнинг режалаштирилган натижаларини умумлашган баёни, яъни, тингловчи таълим якунида эгаллаши керак бўлган билимлар, кўникмалар, малакалар, операциялар, ижтимоий хулқ-атвор усуллари тўплами…»ни [4:13] мазмунни ишлаб чиқиш; вебинарларнинг дастурий таъминоти йўриқномасидан фойдаланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва таълимни ташкил қилишнинг мазкур инновацион шаклига хос бўлган психологик-педагогик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларни баён қилинаётган масалалар мазмунига киритишни ўз ичига олади.

**Вебинар ўтказиш методикаси** интернет-муҳитнинг ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда юзма-юз маърузалар ва семинарлар ўтказиш методикасидан бир мунча фарқ қилади [2:8].

Сифатли вебинар ўтказиш учун қуйидаги каби юқори даражадаги талаблар қўйилади:

-ахборотни аудиторияга содда, мантиқий, тушунарли тарзда етказиш;

-вебинар олиб борувчининг ташкилотчилик қобилиятлари;

-интерфаол мулоқотни қўллаб-қувватлаш кўникмалари;

-ахборотни максимал даражада тўлиқ баён қилиш малакаси билан бир вақтда вебинар ўтказишнинг юқори суръати;

-аудитория диққатини жамлаб туриш маҳорати.

Юқоридаги каби талаб, қоидаларга таянган ҳолда ҳозирги кунда А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказий институти (Марказий институт) томонидан раҳбар ва педагог кадрлар учун www.avloniymtk.uz, www.masofa.uz ўқув порталларида ташкил этилаётган масофавий малака ошириш курслари ўқув жараёнида вебинар ўтказиш йўлга қўйилди. Вебинар ўтказишда дунёда кенг фойдаланилаётган дастурий таъминотлардан бири OpenMeetings платформасидан фойдаланилди.

Вебинарни ўтказиш учун марказий институт томонидан белгиланган модератор томонидан вебинар мавзуси, ўтказиладиган куни ва соати белгиланади ҳамда иштирокчилар руйхатдан ўтказилади. Вебинарда республикамизнинг барча ҳудудидан масофавий малака ошириш курслари тингловчи-

лари жалб этилади. Бунда иштирокчилар гуруҳлар ёки якка тартибда иштирок этиши мумкин.

Вебинар ўтказиш жараёнида жуда кўп иштирокчиларнинг тасвири компьютер экранида пайдо бўлади, лекин ҳар бир иштирокчи ўзига зарур бўлган, вебинар жараёнида мулоқатга киришиши лозим бўлган иштирокчиларнинг экранини фаоллаштириши, яъни ўзига кўринадиган ҳолатида ўрнатиши ва бошқаларини кўринмайдиган шаклга ўтказиб қўйган ҳолда вебинарни давом эттириши мумкин.

Биз мисол сифатида масофадан ўқитиш марказлари ходимлари, тьюторлар ва масофавий малака ошириш курсларига жалб этилган физика ўқитувчилари билан биргаликда ўтказилган вебинарни кўришмиз мумкин. Вебинарда асосан умумий ўрта таълим мактаблари физика ўқитувчилари билан физика ўқитиш методикаси соҳасидаги янгиликлар, муаммолар ва ечимлар тўғрисида фикр мулоҳазалар юритилди. Бунда дастлаб физика ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш курслари ўқув материаллари муаллифи А.Ибраймов томонидан “Физикадан лаборатория ишларини замонавий усулларда ташкил этиш масалалари” мавзусидаги маърузаси билан бошланди.

Маърузада физика ўқитувчиларнинг масофавий малакасини ошириш курсида синфлар кесимида бажарилиши лозим бўлган лаборатория ишларини замонавий усулларда ўтказиш методикаси тўғрисида фикр мулоҳазалар юритилди. Жумладан, ҳозирги кунга қадар кўпчилик физика ўқитувчилари лаборатория ишларини синф хоналарида анъанавий усулларда ташкил этиб келаётганлиги, лекин, ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган бир вақтда анъанавий шаклда ўтказилаётган лаборатория ишларини замонавий усулларда виртуал лаборатория шаклида масофавий, Он-лине тартибида ташкил этиш мумкинлиги таъкидланди ҳамда мисол сифатида 7-синфда физикасида ўтказиладиган “Механик энергиянинг сақланиш ва айланиш қонунини ўрганиш” лаборатория ишини виртуал лаборатория шаклида ўтказиш методикаси кўриб чиқилди (1-расм).



1а-расм.



1б-расм.

Мазкур виртуал лабораторияда дастлаб назария саҳифаси (1а-расм) лаборатория ишини бажариш учун керакли асбоблар руйхати, ишнинг мақсади, ишни бажариш тартиби, ишни бажаргандан сўнг ўз билимни мустаҳкамлаш учун саволлар билан танишиб чиқиш мумкинлиги, ундан сўнг виртуал лабораториянинг “Видео” қисмида мазкур лаборатория ишни синфда амалий бажарилиш жараёнини автоматлаштирилган тарзда кўрсатилиши (1б-расм) таъкидланди ҳамда лаборатория ишини видео шаклида бажарилишининг афзалликлари сифатида, унинг бир неча марта такрорликда кўриш имконияти ўқувчиларга лаборатория ишини мустақил равишда бажариш учун билим, кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам бериши ҳамда лаборатория ишининг назарияси ва видео шакли ўрганилиб бўлингандан сўнг, ишни виртуал моделлаштирилган муҳитда ҳар бир таълим олувчи ўзи мустақил амалий бажариши мумкинлиги каби афзалликлари билан ўқувчиларнинг физикани ўрганишда самарали усулларнинг бир бўлиб хизмат қилиши тўғрисида фикрлар билдирилди.

Шундан сўнг, Хоразм вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг физика фани бўйича тьютори Т.Жуманёзова “Умумий ўрта таълим мактабларида физика фанини ўқитишда компетенциявий ёндашувлар тўғрисида”ги мавзусида маърузаси эшитилди (2-расм).




2-расм.

Маърузадан кейин ҳозирги кунда умумий ўрта таълим мактабларида физикани ўқитишда компетенциявий ёндашувлар бўйича олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги, тажриба-синов ишларининг натижалари юзасидан иштирокчилар билан ҳамкорликда муҳокама бўлиб ўтди. Худди шу шаклда вебинар давом эттирилди. Вебинар иштирокчилари ҳудудлардан якка тартибда ва гуруҳлар бўлиб иштирок этдилар ва ҳамкасблар билан бирга фикр, тажриба алмашиш жараёни амалга оширилди.

Шундай қилиб, масофавий малака ошириш курслари ўқув жараёнида, бирор бир фаннинг хусусий муаммолари ва ютуқларига йўналтирилган ҳолда вебинар ўтказиш малака ошириш курслари самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Жумладан, курслар асинхрон ва синхрон шаклларда ташкил этилиши, бир вақтнинг ўзида юзлаб тингловчилар таълимга оид муаммолар юзасидан интерфаол шаклда фикрлар, тажрибалар алмашиш орқали коммуникатив, ахборот билан ишлаш, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабордор бўлиш каби компетенциялари ривожланади.

**Адабиётлар**

1. Ибраймов А., Сайфуров Д. Физикадан виртуал лаборатория ишлари умумтаълим мактабларининг 7-синфи учун электрон мультимедиа таълим ресурси. Ўзбекистон Республикаси Патент идорасининг 2011, 7 июльдаги DGU 02250 рақамли гувоҳномаси.

2. Клейносова Н.П., Кадырова Э.А., Телков И.А., Хруничев Р.В. Технология проведения учебник занятий в формате вебинара: методические указания. / Рязан. гос. радиотехн. ун-т. -Рязань: 2014. -С. 36.

3. Фролов Ю.В. Подготовка и проведение вебинаров: Учебно-методическое пособие для преподавателей, студентов и слушателей системы повышения квалификации. – М.: МГПУ, 2011. -С. 30.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада физика ўқитувчиларининг масофавий малака ошириш курслари ўқув жараёнида вебинардан фойдаланиш имкониятлари, ташкил этиш босқичлари, ўтказиш методикаси ва амалиётга жорий этилиши тўғрисида мулоҳазалар юритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье обсуждаются возможности использования вебинаров в учебном процессе на дистанционных курсах повышения квалификации учителей физики, этапы его организации, методика проведения и внедрения его в практику.

**SUMMARY**

The article discusses the possibilities of using webinars in the educational process at the distance courses to upgrade Physics of teachers skills the stages of its organization, methods of carrying out and implementing it in practice.


## ТӘБИЙИЙ ГЕОГРАФИЯНЫ ОҚЫТЫЎДА ДИДАКТИКАЛЫҚ МАТЕРИАЛЛАРДАН ПАЙДАЛАНЫЎ


**Г.Жиемуратова** - *үлкен оқытыўшы*

*Республикалық педагог хызметкерлерди қайта таярлаў ҳәм олардың қәнигелигин асырыў институты*



**Таянч сўзлар:** теодалит, курвиметр, компас, тахометр, нивелир, эклиметр, кипригел, отвес.

**Ключевые слова:** теодалит, курвиметр, компас, тахометр, нивелир, эклиметр, кипригел, отвес.

**Key words:** theodolite, odometer, compass, tachometer, level, eklimeter, telescopic alidade, plummet.


2004-2009-жылларда «Мектеп билимлендириўин раўажландырыўдың Мәмлекетлик улыўма миллий бағдарламасы» тийкарында билимлендириў процесинде барлық пәнлер бойынша сабақ барысын жоқары сыпат ҳәм нәтийжели шөлкемлестириўде тийкары оқытыўшы болып табылады. Солай екен, бүгинги күни ҳәр бир жас әўладтың жетик инсан (қәниге) болыўында билимли ҳәм талапшаң устазлардың хызметлери айрықша. География пәнинде оқыўшылардың өз бетинше үйрениўин активлестириўде, олардың интеллектуаль қәбилетин раўажландырыўда дидактикалық материаллардан пайдаланыў үлкен әҳмийетке ийе. География пәниниң басқа пәнлерге қарағанда мүмкиншилиги бул пәнниң көргизбелилиги ҳәм қызықлы усыларды қолланыўдың имканияты десек қәтелеспеймиз. Солай екен, география пәни оқытыўшылары оқыўшыларға нәтийжели билим бериў ушын қолайлы имканиятлардан пайдаланыў зәрүр. Тәлимниң сыпатын асырыўда дидактикалық материаллар сабақлықтағы тапсырмаларды толықтырады. Дурыс, ҳәр бир оқытыўшы сабақты өзиниң тәжирийбесинен келип шыққан ҳалда өтеди. Ең әҳмийетлиси оқытыўшы оқыў процесин жаңаланған бағдарлама ҳәм стандарт талапларына жуўап беретуғын жаңа педагогикалық технологиялар тийкарында шөлкемлестириўи лазым. Соның менен бирге, оқытыўшылар сабақлықлардан тысқары оқыў қолланбаларынан да нәтийжели пайдаланыўы зәрүр. Себеби, бул қолланбалар пән оқытыўшылары ушын темаларына байланыслы қосымша методикалық жәрдем болып есапланады. Дидактикалық материалларды сабақтың түрли басқышларында:

- билимлерин тексерип көриў мақсетинде;
- сабақ басында;
- үйренилген материалларды беккемлеўде;
- сабақтың ортасында яки ақырында;
- үйге тапсырма ретинде де таярлаўымыз мүмкин.

Мысалы тәбийий география басланғыш курсын оқытыў барысында оқыўшылардың билим, көнликпе ҳәм уқыплылықларын қәлиплестириўде түрли дидактикалық материаллардан пайдалансақ болады. Бул дидактикалық материаллар оқыўшылардың сабақлықтағы материалларды өзлестириўи ушын мүмкиншилик жаратады. Себеби, бул дидактикалық материаллар оқыўшылардың сабаққа қатнасын, қызығыўшылығын асырады, өз бетинше қосымша әдебиятлардан излениўин талап етеди. Соның менен бирге ,есинде қалатуғын қызықлы материалларды, фактлерди топлаўға бағдарлайды. Бул дидактикалық материаллар сабақ мазмуны менен пухта байланысқан болып оқытыўшының 45 минутлық сабаққа қойған мақсетине ерисиўинде үлкен жәрдем береди. «Тәбийий география» басланғыш курсында «Әййемги заманда адамлар жерди қалай көз алдына келтирген» темасын үйрениў барысында сабақ даўамында оқыўшыларды сабаққа тийисли қосымша мағлыўматлар менен таныстырыў үлкен әҳмийетке ийе. Себеби сабақлықта бул тема бойынша уллы саяхатшы алымлардың мийнетлери, географиялық ашылыўлары ҳаққында қысқаша мағлыўматлар берилген. Мысалы: Уллы адам атлары ҳәм уллы ашылыўлар кестеси тийкарында оқыўшыларға мағлыўматлар берип ҳәм усы бойынша оқыўшылардың түсиниклерин беккемлеў мақсетинде төмендегише кесте таярлаў мүмкин. Бул кестеде уллы адамлардың атлары бериледи, ал уллы ашылыўлар жылы орынлары алмастырып қойылады. Бунда оқыўшылар қайсы алымлардың не ислегени ҳаққында өзлери орынларына қойып шығыўы керек. Бул кесте тийкарында берилген тапсырмада оқыўшылардың өзлери изленеди, сабақ процесинде алған билимлери беккемленеди, сабақтың нәтийжелилиги артады.

Уллы адамлардың атлары ҳәм уллы ашылыўлар

| | |
|---|---|
| Аристотель | 1271-1295-жылы Қытайға саяхат ислеген биринши Европалы алым. |
| Мухаммед Хорезмий | 1820-жылы Антарктиданы ашқан. |
| Марко-Поло | Б.э.ш. VI әсир жердиң шар тәризли екенлиги ҳаққында пикир жүргизген. |
| Х.Колумб | 1606-жылы Австралияны ашқан. |
| Ф.Магеллан | 1768-1779-жылы дүнья бойлап үш саяхат шөлкемлестиреди. |
| Уиллем Янцзон | 1492-жылы Американы ашқан |
| Раул Амундсен | 1492-жылы бизиң дәўиримизге шекем жетип келген глобусты жасаған. |
| Мартин Бехайм | 1911-жылы Түслик полюсқа биринши болып барған. |
| Джеймс Кук | 1519-1521-жылы дүнья айланасы бойынша биринши саяхат еткен. |
| Роберт Пири | 1909-жылы Арқа полюсқа биринши болып барған. |
| «Витязь» илимий-изертлеў кемеси | 995-жылы жердиң өлшемлери ҳаққында изертлеўлер ислеген. Глобус жасаған. |
| Беллинсгаузен ҳәм Лазерев | IX әсирде геодезиялық өлшеўлерди орынлаған. Орта Азия географиясының тийкарын салыўшы. |

«Орынның топографиялық планын дүзиў» темасын үйрениў барысында оқыўшыларға тапсырма ретинде жоба ҳәм географиялық карталарды дүзиў ушын зәрүр болған әспаб-үскенелердиң атларын ҳәм қолланылыў өзгешеликлерин үйренип алыў ушын төмендегидей дидактикалық материалларды таярласақ болады. Себеби, орында орынланатуғын әмелий жумыслардың көпшилиги арнаўлы әспаб-үскенелер менен ислесиўди талап етеди. Бундай дидактикалық материаллар оқыўшыларда әспаб-үскенелердиң атларын ҳәм олардың қолланылыў өзгешеликлери менен танысып алыўына мүмкиншилик береди. Соның менен бирге бул әспаб-үскенелердиң сүўретлерин сабақ түсиндириў барысында көрсетип өтсек жүдә жақсы болады.